

Жиноят кодексида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлсада, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли хавфли бўлмаган қилмиш жиноят деб топилмайди

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 2001 йил 4 октябрдаги ҳукмига кўра, Г. ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилган ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 22 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони 1-моддасининг «а» банди ва 6-моддасига мувофиқ тугатилган.

Суднинг ҳукмига кўра Г. куйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

Г. 1998 йил 20 декабрь куни соат 21 ларда Тошкент шаҳрида яшовчи таниши М.нинг уйига бориб, ундан 1998 йил 13 ноябрда берган 900.000 сўм қарзини қайтариб беришни талаб қилган. М. қарзга олган пулни қайтариб бермаслигини айтганлиги учун улар ўзаро жанжаллашишган. М. нинг қизи Т. жанжал қилмасликларини айтганда, Г. шу ерда турган болалар стулчасини олиб, Т. нинг бошига қасддан уриб, унга соғлиғининг ёмонлашувига сабаб бўлган енгил шикает етказган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2001 йил 26 октябрь кунидаги ажрими билан Г.га нисбатан чиқарилган суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда Г. га нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини кам аҳамиятли қилмиш бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 2-қисми билан тугатиш сўралган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раёсати 2003 йил 14 март куни қуйидаги сабабларга кўра протестни қаноатлантирган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 35-моддасида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, содир этилган қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмиш жиноят деб топилмайди. Бундай ҳолатга кам аҳамиятли қилмиш, яъни ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракатлар ҳам кириши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 1.4 бандида ҳам ЖК 36-моддасига мувофиқ, гарчи расмий жиҳатдан Жиноят қонунида кўрсатилган бирор бир ҳаракатнинг аломатлари мавжуд бўлса ҳам, лекин ўзининг кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб ҳисобланмаслиги, шу сабабли судлар ҳар бир муайян ишни кўриш пайтида, хатти-ҳаракатнинг жамоат учун хавфлилик даражаси масаласини муҳокама қилиб, аниқланган ҳолатларга қараб асослантирилган қарор қабул қилишлари зарурлиги кўрсатилган.

Аммо, суд томонидан ушбу жиноят иши бўйича Жиноят кодекси ва Олий суд Пленуми қарорининг бу талабларига амал қилинмаган.

Иш юзасидан тўпланган далиллар ва тасдиқланган ҳолатлардан кўринишича, М. 1998 йил 13 ноябрь куни ўзи яшаб турган квартирасини ҳамда турмуш ўртогининг ҳарбий билетини гаровга қўйиб, Г. нинг турмуш ўртоғи О. билан 1998 йил 13 декабргача қайтариш тўғрисида ўзаро ёзма шартнома тузиб, 900.000 сўм қарз олган. 1998 йил 20 декабрь куни О. ва унинг турмуш ўртоғи Г. М. нинг уйига бориб, берган қарз пулларини қайтаришни талаб қилганда, М. олган қарзини бермаслигини айтган. Шу сабабли Г. ва М. ўзаро жанжаллашиб қолишган. Бу

жанжални эшитган М. нинг қизи Т. ўз хонасидан чиқиб келиб, улардан жанжал қилмасликларини талаб қилганда Г. жаҳл устида шу ерда турган болалар стулчаси билан Т. нинг бошига уриб, унга соғлиғининг ёмонлашувига сабаб бўлган енгил шикаст етказган.

Қайд этилган ҳолатлар Г. томонидан содир этилган қилмишнинг юзага келишига М. нинг унга қарз пулини қайтариб бермаганлиги сабаб бўлганлигини кўрсатади.

Бу ҳолат Г. томонидан жаҳл устида Т. га нисбатан содир қилинган ҳаракатда, гарчи расмий жиҳатдан Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ҳаракатнинг аломатлари мавжуд бўлса ҳам, лекин иш ҳолатини инобатга олиб, бу ҳаракатни жамоат учун хавфлилик даражаси кам деган хулосага келишни тақозо этади.

Вилоят судининг раёсати юқорида қайд этилганларни эътиборга олган ҳолда Г. томонидан содир этган ҳаракатни Жиноят кодексининг 35,36-моддаларига асосан кам аҳамиятли деб ҳисоблаб, унга нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини ЖПК 83-моддасининг 2-қисмига асосан тугатган.